*Танқид ва хулоса*

# ПУДРАТЧИ ҒЎЗАСИНИ ЎТ БОСТИРИБ ҚЎЙМАЙДИ

***МАЪЛУМКИ, шу йил 13 май шанба куни республиканинг барча минтақалари деҳқончилик тармоғи раҳбарлари иштирокида сим орқали кенгаш ўтказилиб, ғўза ва ғалланинг бугунги аҳволи, уларнинг агротехникасида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар атрофлича таҳлил этилди. Хусусан, ғўзани бегона ўтдан тозалаш, биринчи озуқани бериш ва суғориш, яганани тезлаштириш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков бошқарган ушбу кенгашда вилоятимизнинг Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ ва Чиноз туманларида ғўзани ўтдан тозалаш ва яганалаш борасидаги сусткашлик ҳам тилга олинди.***

ЖУМЛАДАН, Чиноз туманидаги «Гулзоробод» ва «Йўлтушган» ширкат хўжаликлари далаларида ғўзани ўт босганлиги айтилиб, раҳбар ва мутахассисларга жиддий эътирозлар билдирилганди. Биз орадан бир ҳафта ўтказиб, яъни сим орқали кенгаш чоғида кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни тузатиб олиш учун етарли бўлган муддатдан сўнг туманда бўлиб, айнан «Гулзоробод» ва «Йўлтушган» ширкат хўжаликлари далаларини айландик. Эътироф этиш керакки, одамлар астойдил ҳаракат қилишяпти. Сўнгги гектарлардаги ғўза ниҳоллари ўтдан тозаланмоқда. Пудратчилар бутун оила аъзолари билан далада.

Бундай сафарбарликка туман раҳбарларининг республика бўйича сим орқали кенгашда айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, камчиликларни тезда тугатиш чораларини кўришга жиддий киришганларининг натижаси дея баҳо бериш мумкин, албатта. Лекин шуниси ҳам борки, аксарият пудратчи оилаларнинг ўз ғўзасини ўт бостириб қўймаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Энди бу йил деярли ҳамма жойда ғўзани кўпроқ ўт босганлиги масаласига келсак, бунинг объектив сабаблари ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, шу пайтгача ҳар йили чигит юз фоиз ернинг табиий намига ундириб келинган бўлса, бу йил ёғин меъёрдагидан кам бўлгани боис, 60-70 фоиз, айрим туман ва хўжаликларда эса ҳатто, юз фоиз майдонларга чигит суви беришга тўғри келди. Бу эса ўз навбатида бегона ўтларнинг тез ва ёппа ривожланишига сабаб бўлди. Ниҳолларни унинг исканжасидан халос этиш учун эса, кўп қўл кучи керак бўлади. Бироқ ҳамма хўжаликда ҳам бундай имконият бўлавермайди. Қарабсизки, карталарни бир бошдан тозалаб олгунча, бир ҳафтаўн кун вақт ўтади.

Деҳқонларда бир гап бор: бегона ўт – ернинг ўз боласи, экин эса – ўгай боласи. Бу дегани шуки, бугун тозаланган ерда тўртбеш кун ўтиб, яна ўт пайдо бўлаверади. Айниқса суғорилганидан сўнг. Дарвоқе, ҳар икки хўжаликда жам ҳозир биринчи озиқлантириш тугалланиб, дастлабки сувни беришга тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шу агротехник тадбир вақтида ўтказилиб, ер етилгач, сўнгги марта бегона ўтлардан тозаланади. Агар шундан сўнг ҳам деҳқоннинг даласида ўт бўлса, у ҳолда айб юз фоиз ўзида бўлади. Биз дала айланиб, тажрибали пудратчию илғор бригада бошлиқлари билан суҳбатлашиб, ана шу фикрга келдик.

– Тўғри, чигит сувидан сўнг далаларимизни бироз ўт босди, – дейди «Гулзоробод» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Гамлет Йўлдошев. – Мана энди қаранг, бу йил ғўзамизнинг авжи жуда баланд. Аллоҳ деҳқоннинг кузини берса, ҳосилдорлик ўтган йилдагидан ҳам юқори бўлади.

Ҳақиқатан ҳам бригаданинг 59 гектар майдондаги дуркун ғўзаси ер бетини қоплай бошлаган. Ўтган йили ҳосилдорлик 36,2 центнер бўлганди. Бригада режани вилоятда биринчи бўлиб бажариб, пахтанинг ўзидан 8 миллион 615 минг сўм даромад олганди. Бу йил умидлари янада катта.

Ҳабиба Жўраева – нафақат «Йўлтушган» ширкат хўжалиги, балки туманда ягона аёл бригада бошлиғи. Ери Г. Йўлдошев бригадаси билан ёнма-ён. Ўзаро холис рақобатлашиб, тўғрироғи, бирбирларидан ўрганиб, ҳам ўргатиб ишлашади. «Қўшниларга етишга бизга йўл бўлсин» дейди Ҳ. Жўраева камтарлик билан. Аммо, улар ҳам ўз хўжаликларида илғорлардан. Чунончи, ўтган йили режани 115 фоиздан ошириб бажаришганди. Бу йил ҳам ғўзанинг ривожи чакки эмас. Биринчи культивация, чопиқ ва ягана барвақт ўтказилди. Далаларда бегона ўт қолмади. Энди кўчат қалинлиги яна бир бор текширувдан ўтказилмоқда. Тўғри, кўчат сийракроқ бўлса, энди тўлдириб бўлмайди, бундай карта йўқ ҳам. Бироқ қалинроқ қолдирилган жойлардаги ортиқча ниҳолларни олиб ташлаш ҳали ҳам кеч эмас.

Баҳром ота Умаров пенсия ёшига етганига саккиз йилдан ошди. Аммо бригада аъзолари ҳамон уни қўйиб юборишмаяпти. Ўзиям ғўзага от-улов билан ишлов бериладиган 45-йиллардан буён пахтанинг ичида. Ҳозир ҳам кунига 18 соат далада, уйига бироз мизғиб келиш учунгина боради, дейишади. Суҳбат чоғида билдикки, отахон нафақат пахтанинг, балки ҳисоб-китобнинг ҳам пири бўлиб кетган экан. Ўтган йили пахтаю ғалладан салкам 17 миллион сўм даромад олишгани бежиз эмас-да, ахир. Бу – «Гулзоробод» хўжалигида энг юқори натижа. Суҳбат орасида отахон бир гапни қистириб ўтди:

– Хўжалик бошқаруви билан тузиладиган шартномамизда ҳосилдорлик ва қанча пахта етиштиришимиз аниқ белгилаб қўйилади. Масалан, бу йил ҳосилдорлик 28,4 центнер қилиб режаланди. 94 гектардан йиғиштириб оладиган 267 тонна пахтамизни давлат харид нархида (тўғри бўлса, бу йил 52 сўм бўпти) сотишимиз керак. Лекин биз 35-36 центнердан кам олмаймиз. Ана шу 7-8 центнер қўшимча ҳосил бизнинг нақд даромадимиз бўлиши керак...

Баҳром отанинг гапида жон бор. Уруғлик чигитни экиб, то тайёр пахта хом ашёсини давлатга топширгунча бўладиган зарур сарф-харажатлар йилдан-йилга кўтарилиб, кўпгина хўжаликларда, ҳатто, таннархдан ҳам ошиб кетаяпти. Харид нархи эса шунга мутаносиб ҳолда ўсмаяпти. Шундай экан, шартномада белгиланганидан ортиқча ҳосил учун ҳисоб-китоб деҳқоннинг меҳнатини рағбатлантирадиган, қадрланадиган йўсинда қилинса, адолатли иш бўлиб, бундан ҳар икки томон ҳам наф кўради.

– Деҳқоннинг қўли пул кўриб турса, руҳи тетик, кайфияти чоғ бўлиб, ишини билиб қилаверади, – дейди Гамлет Йўлдошев. – Афсуски, бунинг иложи бўлмаяпти. Бўнак пуллари икки-уч ойлаб узилиб қолади. Пудратчиларга ҳар ойда камида 3 минг сўмдан бўнак бериб боришнинг иложи бўлганда қанийди. Лекин, шунга қарамай улар яхши ишлашяпти. Мана, ғўзамизни ўзингиз кўриб турибсиз. Туманимизни билмадим-у, аммо бизнинг хўжалигимиз бўйича ғўзанинг ривожи чакки эмас.

Ҳақиқатан ҳам бу йил чигитни айни қулай муддатда экиб, текис ундириб олингани, яганани ҳам барвақт ўтказиб, кўчат қалинлигининг меъёрдагидек бўлишига эришилгани яққол кўриниб турипти. Лекин шундай карталар ҳам борки, ғўзаси ола кўринади.

– Қараган кўзга шундай туюлади холос, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Усмонали Умаров. – Бу карталарнинг у ер-бу ерига шира оралаган. Шу боис ғўза барги ғужанак бўлиб қолган. Ҳозир бу зараркунандага қарши ҳам кимёвий, ҳам биологик усулда ишлов бераяпмиз. Оқ байроқчалар қадалган жойга ё дори сепилган, ёки габробракон ва олтинкўз фойдали кушандалари қўйилган. Икки кундан сўнг ғўза барглари қайта ёзилиб, дала кўм-кўк тусга киради.

Бошлиқнинг айтишича, бу йилги кўклам об-ҳавосининг келиши шира тушиши эҳтимолини кучайтиргани боис биолабораториялар барвақт ишга солинди. Кимёвий дори ҳам олдиндан ғамлаб қўйилди. Ҳозир мутахассислар ҳар куни дала айланиб, ўз вазифаларини малакали бажаришяпти. Мавжуд биолабораториялар бу йил 50 фоиз майдондаги ғўзани ҳашаротлардан ҳимоя қилиш қувватига эга.

Бундан ташқари ўғит, ёнилғи-мойлаш ашёлари ва сув масалаларида муаммо йўқ, ҳаммаси етарли. Июль ойига ўтказмай, кимёвий ўғитларни бериб бўлиш имконияти бор. Ундан кейин берилган ўғитнинг эса фойдаси бўлмай, аксинча, зарари тегади. Афсуски, айрим хўжаликларда бу масалага эътиборсизлик билан қаралмоқда. Масалан, биринчи озиқлантириш туман бўйича 70 фоиздан ошгани ҳолда, «Ўзбекистон» хўжалигида эндигина 50 фоиз бўлди. Т. Эрназаров номли хўжаликда эса бор-йўғи учдан бир майдондаги ғўзага ўғит солинди, холос. Дарвоқе, бу хўжалик яганалашда ҳам туман бўйича энг орқада.

Энг ажабланарлиси шундаки, бу йил туман фермерларининг ҳаракати негадир жуда суст. Улар жами 670 гектар ерга чигит экишган. Бу туман пахтасининг ўндан бир қисми деган гап. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан бир ҳафта илгари берилган маълумотларга қараганда, фермерларнинг даласида биринчи озиқлантириш 30 фоизга ҳам бормаганди. Яганалаш эса 65 фоиз атрофида эди. Ҳолбуки, яганани кечиктириш қандай оқибатларга олиб келишини, аввало, фермерлар яхши билишлари керак.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, туман бўйича ғўзанинг бугунги аҳволи яхши, ривожи ҳам аввалги йиллардагига нисбатан қарийб 10 кун олдинда. Бироқ юқорида тилга олинган айрим хўжаликлар ва айниқса, фермерларнинг бесабаб сусткашликлари бу ютуқларни йўққа чиқариши ҳеч гап эмас. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек, имконият бор пайтда отни қамчилаб, аравани ҳамма бирдек тортмаса, умумий хирмондан барака учиши тайин. Ўғитлаш, яганалаш, бегона ўтларни йўқотишда сусткашликка йўл қўяётганлар бундан тўғри хулоса чиқариб олишлари керак. Вақт ўтгандан кейинги афсусдан фойда йўқ.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# КЕНГАШГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

***БУ КОРХОНА 1995 йилда хусусийлаштириб олинган эди. Шундан бери орадан йиллар ўтди, лекин ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш юзасидан айтарлик иш қилинмади. Бу ҳолда узоққа бориш амри маҳол эди.***

Чунки, ўрнатилган асбоб-ускуналар эскириб қолган, иш вақтида тез-тез тўхтаб қоларди. Бу технология жараёнларининг бир маромда боришига тўсқинлик қиларди. Шундай бўлгач, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Унинг асбоб-ускуналарини янгилаш ёки пухта таъмирлаш муаммоси юзага келганлиги ҳам шундан эди.

Корхона раҳбари лавозимини Жаҳонгир Ортиқович Мадаминов эгаллагач, биринчи навбатда эътиборини шу муаммони ҳал қилишга қаратди. Бу ерда тайёр маҳсулотлар омбори мудири, етакчи муҳандис, таъминотчи бўлиб ишлаб келган, мутахассислиги бўйича олий маълумотли энергетик ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонларини яхши биларди. У раҳбар сифатида жамоага қаттиқ суянди. Ҳар-қандай муаммони ҳал қилиш йўлларини излашда корхона мутахассислари, тажрибали ишчи-хизматчилар билан бамаслаҳат иш кўрди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини доим инобатга олди.

— Кўпчиликдан кўп фикр чиқади, — дейди Ж. Мадаминов. — Биз маслаҳатлашиб, қайта қуриш, таъмирлаш ишларини асосий цехдан бошлашга келишдик. Керакли маблағ тўпланиши билан ишга киришиб кетдик.

*Хусусий корхоналарда*

Асосий цехни таъмирлаш қисқа муддатларда тугатилди. Бўлка нон ишлаб чиқариладиган бу бўлинмадаги асбоб-ускуналарнинг айримлари янгиланди, бир қисми қайта созланди. Натижада, тайёрланаётган нон миқдори сезиларли ошди, сифати ҳам яхшиланди. Корхона шу вақтгача ишлаб чиқарган бундай озиқ-овқат маҳсулоти қатор савдо шаҳобчаларига етказиб бериларди. Маъмурият бевосита корхона хузурида ҳам шундай дўкон очишни лозим деб топди. Шу тариқа «Иссиқ нон» дўкони қуриб ишга туширилди. Жамоа ўз маҳсулотининг муайян қисмини шу савдо шахобчаси орқали сотиб, кўшимча даромад манбаига эга бўлди.

Корхона мутаҳассислари бозор талабини муттасил ўрганиб борадилар. Маҳсулотларнинг қандай турига эҳтиёж катта эканлигини ҳисобга оладилар ва ишлаб чиқариш шунга қараб ўзгартирилади. Шу асосда янги хил маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунинг натижасида тешик кулча ишлаб чиқарадиган бўлинма ҳам тикланди. Ундаги қурилма қайтадан таъмирланди ва ишга туширилди.

Қайта қуриш ишлари тўхтовсиз давом эттирилди. Оби нон цехи ҳам таъмирдан чиқарилди ва қатор янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда обинон, патирлар тайёрлаш йўлга қўйилди, хил-ма-хил қандолатчилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ундан кейин асосий цехдаги иккита печ ҳам таъмирланди. Шундай қилиб у Оҳангарон туманида нон ва нон маҳсулотлари, қандолатлар, макарон ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхонага айланди. Ҳозир ҳар куни жамоа 7 тоннагача нон ва нон маҳсулотлари, 500 килограмгача тешик кулча, турли хил ширинликларни савдо шахобчаларига етказиб бермоқда. Уларнинг турлари 34тага етди. Эндиликда Оҳангарон шаҳри ва тумандаги ўнлаб қишлоқлар аҳолиси хусусий корхона маҳсулотларидан баҳраманд бўлишяпти.

Жамоа ишлаб топилган фойданинг асосий қисмини якдиллик билан корхонани таъмирлаш, асбоб-ускуналарни янгилашга сарфлагани учун ишлаб чиқариш хажми йилдан-йилга кўпаймоқда. Ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнатдан моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб боряпти. Уларнинг иш ҳақлари ошяпти, кўшимча устамалар олишмоқда.

Айни вақтда жамоа ҳайрия ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Турли хил тадбирлардан четда қолмаяпти. «Мурувват» қариялар уйига оталиқ қилувчи жамоалардан бири ҳисобланади. Ҳар йили қариялар кунида бу масканда истиқомат қилаётганлар учун дастурхон ёзилади. Бунинг учун 40 минг сўм ажратилади. Наврўз байрамида 100 минг сўмлик совға-саломлар тайёрланиб ночор, кам таъминланган, боқувчисиз оилалар ўртасида тақсимланади. Бошқа байрамлар, тарихий саналарда ҳам шу каби мурувват ишлари уюштирилади. Ҳар йили 100 килограмм буғдойдан сумалак тайёрлаб тарқатилади.

— Ҳозирча эришилган натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз, — дейди Жаҳонгир Ортиқович. — Айрим режаларимиз ҳам бор. Уларнинг энг муҳими Италия фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этишдир. Шу кунларда уни амалга ошириш учун шериклар излаяпмиз.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

# ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

*Акциядорлик жамиятларида*

***«4-темир-бетон буюмлари» акциядорлик жамияти Ангренда барқарор ишлаётган корхоналарнинг бири ҳисобланади. Айниқса, унинг жамоаси сўнгги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда яхши натижаларга эришмоқда. Темир-бетон буюмларининг янги турларини тайёрлаш кенгаймоқда. Бунинг учун бозор талаби ўрганилмоқда, мижозларнинг буюртмалари ҳисобга олиняпти. Шу туфайли корхонада қатор маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, уларнинг хили 40тага етказилди.***

Корхонанинг темир-бетон буюмлари турли иншоотларни барпо этишда ишлатилиши мумкин. Кўп қисми уй-жой, маъмурий ва маданий-маиший муассасаларга мўлжалланган, чунончи, коллежлар қурилишида ҳам фойдаланилади. Шунинг учун буюртмачилар ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда тайёрланган темир-бетон буюмлари республикамизнинг аксарият вилоятларига етказиб беріляпти. Тошкент, Хоразм, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё ва бошқа вилоятларда ҳам қад кўтараётган биноларда корхона жамоасининг ҳиссаси бор.





Буюртмачилар талабини қондириш учун корхонанинг янги бўлимларини, ишчи ўринларини барпо этиш лозим бўлиб қолди. Бунда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самаралироқ фойдаланишга алоҳида эътибор беріляпти. Ишчи-хизматчилар 23 нафарга кўпайиб, жамоа таркиби 140 кишига етказилди. -

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 1998 йилда ҳаммаси бўлиб 3211,7 куб метр темир-бетон буюмлари буюртмачиларга етказиб берилган бўлса ўтган йили бу кўрсаткич 3600 куб метрдан ортиқроқни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 1845,7 куб метр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда уч ярим баровардан ҳам кўпдир. Шу даврларда олинган даромад эса тегишлича 16,5 миллион ва сал кам 40 миллион сўмга баровар бўлди.

Яқинда корхона жамоаси яна бир муҳим маҳсулот турини тайёрлашни йўлга қўйди. У селга, сув тошқинларига қарши қўйиладиган махсус конструкциядаги темир-бетон буюмидир. Янги маҳсулотнинг дастлабкилари Қамчиқ довони йўли қурилишига жўнатилди.

Даромад ошгани учун иш ҳақи фонди миқдорида ҳам сезиларли силжиш бўлди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 1999 йилнинг шу даврига нисбатан у бир ярим баравардан ортиқ ошди. Ишчи-хизматчиларнинг олаётган маошлари ҳам кўпайди. Бу янгича ишлаш самараси, корхона акциядорлик жамиятига айланиб, жамоада мулкка эгалик ҳисси кучайганлиги натижасидир.

***СУРАТЛАРДА:*** *арматура-қолиплаш цехи бошлиғи Тўхтамиш Ниёзов; қолипловчилардан Элдор Воҳидов ва Асқарали Қурбонов топшириқларни доим ошириб адо этмоқдалар.*

***Даврон Аҳмад олган суратлар.***


# « Б А Л И Қ Ч И »

***Очиқ турдаги акционерлик жамияти акциядорлари диққатига!***

**1999 йил якуни бўйича умумий ҳисобот йиғилиши 2000 йил 3 июнь соат 10.00да Қуйичирчиқ тумани Қўрғонча қишлоғи «Баликчи» маданият саройида ўтказилади.**

**К У Н   Т А Р Т И Б И :**

**1**. «Балиқчи» акционерлик жамиятининг 1999 йилдаги фаолияти натижалари ҳақида раис ҳисоботи.

**2**. Йиллик бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.

**3**. Тафтиш ҳайъати хулосасини тасдиқлаш.

**4**. Ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йилдаги натижалари ҳақидаги аудиторлик текширувлари хулосасини тасдиқлаш.

**5**. 1999 йил якунларига кўра дивиденд, соф фойда тақсимотини тасдиқлаш.

**6**. Бошқа масалалар.

***КУЗАТУВ КЕНГАШИ.***

***«Баликчи» ОТАЖнинг 01.01.2000 йилги бухгалтерлик баланси САЛЬДО***

| | Актив | Пассив |
|---|---|---|
| 1. Асосий воситалар | 54813 | |
| 2. Бошқа қарзлар | 1 | |
| 3. Номоддий активлар | 6339 | |
| 4. Ишлаб чиқариш заҳиралари | 21338 | |
| 5. Тугалланмаган ишлаб чиқариш | 82236 | |
| 6. Пул маблағлари | 677 | |
| 7. Ғазнадаги пул маблағлари | 96 | |
| 8. Дебиторлар | 78006 | |
| 9. Устав капитали | | 31500 |
| 10. Қўшилган капитал | | 4133 |
| 11. Резерв капитал | | 3174 |
| 12. Тақсимланмаган фойда | | 27181 |
| 13. Мақсадли тушум ва фойдалар | | 4900 |
| 14. Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар | | 68 |
| 15. Келгуси давр даромадлари | | 22829 |
| 16. Узоқ муддатли кредитлар | | 25902 |
| 17. Қисқа муддатли кредитлар | | 8746 |
| 18. Кредиторлар | | 85002 |
| 19. Эскириш | | 30071 |
| **ЖАМИ:** | **243506** | **243506** |


# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**мамлакатлар • одамлар • воқеалар**

### ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА

31 мартда ниҳоясига етган 1999 молия йилида Японияда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 27 миллион кишига етган. Бу ўтган йилги кўрсатгичдан деярли 60 фоиз кўпдир. Айни пайтда 7 миллиондан ортиқ япон тармоққа уяли телефон орқали улана олади. Япония Почта ва телекоммуникация вазирлиги маълумотларига қараганда, 2005 молия йилига келиб мамлакатда Интернетдан фойдаланувчилар сони 76,7 миллионга етиши мумкин.

### МАХСУС РУХСАТНОМАСИЗ СОТАДИЛАР

АҚШнинг қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи компанияларига Буюк Британия ва Австралияга ўз маҳсулотларининг махфий бўлмаган турларини махсус рухсатномасиз сотиш ҳуқуқи берилди. Илгари компаниялар фақат Канада билангина шундай савдо қилиш ҳуқуқига эга эди. Бироқ Канада фирмалари АҚШ технологиясини Эрон ва Хитой билан баҳам кўраётгани маълум бўлиб қолгач, мамлакат 1999 йил апрелда бу имтиёздан маҳрум қилинганди.

### ОҚ ТАНЛИЛАР ХЎРЛАНМОҚДА

Буюк Британия ҳукумати сўнгги кунларда Зимбабведа юз бераётган ўзгаришлардан жиддий ташвиш билдирди. Гап шундаки, ўтган куни бу мамлакатда оқ танли фермерларнинг хўжаликларини зудлик билан ва айни пайтда эвазига ҳеч нарса бермай эгаллаб олишга қаратилган қонун кучга кирди. Энди Зимбабве озодлиги учун курашган уруш фахрийлари оқ танлиларнинг ерларига бемалол хўжайинлик қилиши мумкин. Бу эса мингга яқин фермернинг хонавайрон бўлишига олиб келади.

### ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ БОР ЭДИ

Сьерра-Леонеда вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Куни кеча исёнчилар ҳукумат қўшинларига қарашли бўлинмани пистирмага туширди. Натижада кўплаб ҳарбийлар ҳалок бўлди. БМТ вакиллари қурбонлар орасида икки нафар хорижлик журналист ҳам борлигини айтди. Кейинроқ эса, бу журналистлар АҚШ ва Испания фуқаролари бўлганлиги аниқланди.

### БОШ МУФТИЙДАН НОРОЗИЛАР

Болгария мусулмонларининг «Тўғри йўл» ташкилоти вакиллари мамлакат бош муфтийси Алиш Ҳожининг истеъфо беришини талаб қилмоқда. Улар шу муносабат билан Софияда норозилик намойиши ўтказди. «Тўғри йўл» вакиллари муфтийни ваҳобийлар билан алоқадорликда айбламоқда.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

